

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**«БАНК ИШИ» ва «БАНК ҲИСОБИ ва
АУДИТ» КАФЕДРАЛАРИ**

**“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

**республика миқёсида ўтказилган илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**

2020 йил 06 июнь

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50‘)

О-56

“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш” мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами –601 б.

Масъул муҳаррирлар:

*А.Омонов, З.Умаров, И.Жўраев, Ф.Холмаматов, А.Рахимов,
А.Рахматов, Б.Мақсудов, С.Сайфуллаев.*

Такризчилар:

Ш.Абдуллаева – и.ф.д., профессор,

Т.Бобакулов – и.ф.д., профессор,

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши асосида **“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш”** мавзусида Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциянинг секциялари доирасида келиб тушган илмий тезислари асосида тузилган.

Тўпламда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, профессор-ўқитувчилари, иқтисодиёт йўналишидаги академиялар, шунингдек, молия-кредит соҳасидаги мутахассислар, илмий изланувчилар, магистрларнинг тижорат банкларига хорижий инвестициялар ва молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятлари, юридик шахслар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларнинг муддатли депозитларига жалб этиш масалалари, банкларнинг қиматли қоғозлар билан операциялари ва рақобатли кредитлаш бозорини фаоллаштириш, банклар капитали таркибида давлат улушини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш зарурулиги ва йўллари, банкларнинг рақамли ва чакана хизматлари турлари ва сифатини ошириш, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудитнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш масалаларига оид илмий тезислари ўрин олган.

Конференция материаллари Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, кредитлар ва депозитлар ҳажмини ошириш, банк хизматлари ва сифатини яхшилаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тузиш билан шуғулланувчи банк-молия соҳасининг етакчи ходимлари ва мутахассислари, барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходим ҳамда мустақил тадқиқотчилари ва магистрантлари учун фойдали бўлади деб умид қиламиз.

КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАБИЙ РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛКЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Сафаров. Ғ.А.- ТМИ, “Солиқлар ва солиққа тортиш”
кафедраси тадқиқотчиси*

Коронавирус пандемияси бутун жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига, жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Карантин тадбирларининг жорий этилиши натижасида тадбиркорликнинг кўплаб фаолият турлари тўлиқ қувватлар билан ишламаётган бўлса, айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатди. Шу боис, иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш учун ҳукумат томонидан уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги вақтга қадар пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилинди¹. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон, 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон, 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сон ҳамда 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996-сон фармонларига мувофиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш ва даромадларини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларда тадбиркорлик субъектларининг солиқ мажбуриятларини енгиллаштиришга доир нормаларнинг киритилаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Коронавирус пандемияси даврида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимидаги енгилликлар бошқа солиқларга қараганда устунлик касб этмоқда. Чунки тадбиркорликнинг кўплаб фаолият турларини тўлиқ ишламаётганлиги ва айрим тадбиркорлик субъектлари

¹Мирзиёев Ш.М. Бепарволик пандемияга қарши барча ишларимиз натижасини йўққа чиқариши мумкин (<http://uza.uz/oz/politics/prezident-beparvolik-pandemiyaga-arshi-barcha-ishlarimiz-nat-26-05-2020>).

фаолиятининг тўхтатилиши ушбу солиқлар бўйича енгилликлар беришни таъказо этмоқда.

Маълумки, мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг асосий хусусияти тадбиркорлик фаолиятининг натижаларига ёки уларнинг товар айланмасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, мавжуд мол-мулк ёки табиий ресурс микдорига мос равишда солиқ мажбуриятини вужудга келтиради. Бу дегани, корхона фаолиятини муайян вақт тўхтатган ёки тўлиқ қувват билан ишламаган тақдирда ҳам бундай солиқларни бир маромда тўлаши керак. Бу ҳолат, айниқса мол-мулк солиғи ва ер солиғида кўпроқ намоён бўлади. Шу боис, короновирус пандемияси даврида ушбу турдаги солиқлар бўйича енгиллик берилмаса, тадбиркорлик субъектларининг солиқ мажбуриятларини сунъий равишда ортиб боришига ва охир-оқибат қийин молиявий ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Бундай шароитда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бутунлай озод қилиш мақсадга мувофиқ.

Короновирус пандемияси даврида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришлар тадбиркорлик субъектларининг солиқ мажбуриятларини сунъий равишда ошиб кетмаслигига хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 мартдаги ПФ-5969-сон фармонида асосан берилган енгилликлар қуйидагилардан иборат:

2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда кишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилди;

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилди.

2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли фармонга мувофиқ берилган енгилликлар қуйидагилардан иборат:

2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзаэронавигация маркази» ДУК юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинди;

фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар

аниқланганларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, кўрсатилган солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилди;

Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 1 октябрга қадар мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳукуқи тақдим этилди (уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан).

2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон фармонга мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябригача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги суммаларни ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонларига асосан фоизсиз кечиктириш (бўлиб бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, короновирус пандемияси даврида юқоридаги нормалар доирасида тадбиркорлик субъектларининг табиий ресурс ва мол-мулкларини солиққа тортиш борасидаги енгилликлар уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилмаслигига эътибор қаратилган. Лекин тадбиркорлик субъектлари учун берилган бу каби енгилликларни содда кўринишда, ҳамма тушунадиган тарзда баён этилиши мақсадга мувофиқ. Биргина нормани қўллаш учун бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиш талаб этилади.

Маълумки, короновирус пандемияси даврида иқтисодиётнинг бир нечта тармоқлари (масалан, умумий овқатланиш соҳаси, транспорт хизматларининг муайян турлари ва бошқалар) махсус комиссия қарори

билан вақтинча тўхтатилган бўлса, айрим хизмат турларига талаб бўлмаганлиги ёки пасайиб кетганлиги сабабли тўлиқ қувват билан ишламаётганлиги ёки фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганлиги кузатилмоқда. Фойдадан ёки оборотдан тўланадиган солиқлардан фаркли равишда мол-мулк солиқи ва ресурс тўловларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига ушбу солиқлар бўйича енгилликлар бериш муҳим аҳамиятга эга. Бунда юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини тадбиркорлик шакли ёки унинг катта кичиклигидан қатъий назар фаолияти тўхтатилган вақтдан бошлаб уларни тўлашдан тўлиқ озод қилиш лозим.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқироз шароитида, айниқса талабнинг кекин пасайиши натижасида айрим турдаги ер ости бойликларининг (масалан нефть) нархини кескин пасайиб кетиши ушбу тармоқда ҳам молиявий муаммоларни кескинлашишига олиб келди. Шундан келиб чиқиб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлашда ҳисобот ойида қазиб олинган, лекин тўлиқ ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар сотиш амалга оширилгандан кейин ушбу солиқни тўлаш мажбуриятини шакллантириш, яъни солиққа тортишнинг ҳисобга олиш усулини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, короновирус пандемияси даврида табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишда юқоридаги таклифларнинг инobatга олиниши унинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга ва хўжалик субъектларининг келажакда тезроқ оёққа туришига хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ: АМАЛИЁТ ВА МУАММОЛАР

***САФАРОВА. Н.А.- ТМИ, “Халқаро молия-кредит”
кафедраси тадқиқотчиси***

Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган сиёсат ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Амалда ишбилармонликни янада фаоллаштириш ҳамда тадбиркорлик ривожини учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасидахусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланиши орқали аҳоли даромадлари таркибида улар фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Бу жараён мос равишда амалдаги солиқ тизимини такомиллаштириш заруратини тақозо этади. Бунда биринчи навбатда тадбиркор учун тушунарли бўлган солиқ тизимини шакллантириш ва солиқларни ҳаддан ортиқ бўлмаслигига эришиш лозим.

Ўзбекистон солиқ тизимини шаклланишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига деярли ўзгартиришлар киритилмасдан, асосан солиқ ставкалари ўзгартирилди.

Riskaliev Muradjon., Ahmedova Dilafuz. BANKLARNING RAQAMLI XIZMATLARI SIFATINI OSHIRISH.....	296
Жумаев. А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	298
Соибов. Ж., Абдуллаев. У.А. АҲОЛИНИНГ МАМЛАКАТ БАНК ТИЗИМИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИИ МУСТАҲКАМЛАШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ.....	301
Сафаров. Ғ.А. КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАБИЙИЙ РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛКЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	305
САФАРОВА. Н.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ: АМАЛИЁТ ВА МУАММОЛАР.....	308
Куллийев И.Я. СТРЕСС ТЕСТЛАШ – ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.....	311
Ахмедов Х.М. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЧАКАНА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИДАКРЕДИТРИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	314
Rozmatova Umida Yuldashevna. NOMODDIY AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI.....	317
Raxmatov A.J. TIJORAT BANKLARIDA LIKVIDLILIK RISKI VA UNI BOSHQARISH.....	320
Maqsudov B.A. CREDIT RISK AND CREDIT ANALYSIS IN THE EFFECTIVE PLACEMENT OF FINANCIAL RESOURCES IN COMMERCIAL BANKS.....	323

5-СЕКЦИЯ. БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИНИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ

Хомитов К.З., Алимова Ф.М. СБОР И АНАЛИЗ ИНФОРМАЦИИ – ВАЖНЫЙ АСПЕКТ В СФЕРЕ ОЦЕНКИ БИЗНЕСА.....	328
Азларова А.А. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ОШИРИШ.....	330
Саидов д.А., Эгамова М.Э., Йўлдошева М. БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ	332